

ҚОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАРИХ БИЛАН БИРГА ҚАРШИ КУРАШАМИЗ.

Темур Ражабов Бахрамбаевич

*Хоразм вилояти Адлия бошкармармасига қарашли Кушикупир
туман юридик хизмат курсатиш маркази бош юрисконсулти*

Аннотация: Ушбу мақолада коррупцияга қарши кураш бўйича тарихий нуқтаи назардан ва тарихий фактлар билан асосланган фикр ва мулохазалар тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *Қоррупцияб, oppoynntio, давлат, президенти, фуқаро.*

Қоррупция - Ҳаммамизга маълумки дунё бўйича глобал муоммолардан энг катта муоммо десак ҳам янглишмаймиз. Халқ тилида соддагина қилиб аталадиган бу иллат яни коррупция барча ислохотларни илдизига болта урар экан, уни келтириб чиқарувчи сабаб ва қарши кураш чораларини биргаликда бажармоғимиз лозимдир албатта

Энг аввало Қоррупция сўзига тўхталсак – Қоррупция атамаси латинча “*oppoynntio*” сўздан олинган бўлиб, пора бериб сотиб олмақ, бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш деган маъноларни англатади. Қоррупциянинг тарихига назар соладиган эканмиз антик даврларга бориб тақалишига гувоҳ бўламиз. Мисол тариқасида қадимги Юнонистон давлатида орддий халқ вакиллари оқсоқолларга ва турли даражадаги амалдорларга совға-саломлар беришган. Миллоддан олдинги даврларда ҳам қабила бошлиқларига ҳадя қилинган эҳсон орқали талабгорнинг хоҳиш истаги қабила сардори орқали қондирилган. Қимматбаҳо совға инъом этган қабила, қабила аъзоси бошқалардан ҳурмат эътибор ва бошқа тарафлардан ажралиб турган. Бундай жарёнларга қарши курашган ҳукмдорлар ҳам тарихда мавжуд бўлиб, эрамыздан 2,5 минг йил аввал яшаган Шумел подшохи Уриним исми тилга олинади. У коррупцияга қарши курашиш ва унинг кўплаб тармоқларига қарши қонунлар ва жазо турларини ишлаб чиқган.

Ер юзидаги турли давлатлар ўтмишда ва ҳозирда дунёнинг барча қитъаларида коррупцияга қарши муваффақиятли ёки муваффақиятсиз қарши кураш олиб борганлар ва олиб борадилар ҳам. Лекин ҳозирча коррупцияни батомом йўқ қилишнинг йўли топилгани йўқ. Ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, марказлашган давлат асосчиси Амур Темур салтанат саройида давлат учун мафаати тегадиган кучли арбоблар ва олимларнинг маошини кўтариш орқали порахўрлик ва бошқа иллатларни олдини олишга, уларни муносиб тақдирлашга ҳаракат қилган. А.Темур фармон ҳамда қонунларда мансабдор шахснинг мансабига қараб ҳақ тўлаш унинг шахсий ва интизомий жавобгарликга, совғалар олиши масаласини меёрлаштирган, хаттоки ўз авлодларини ҳам коррупцияга қўл урганни аямаган. Чунончи А.Темурнинг учунчи ўғли Мироншоҳ, невараси амирзода Пирмуҳаммад лавозимларини сувистеъмол

қилганликлари, фуқаро ва давлат манфаатини химоя қилишда совуққонликга йўл қўйганликлари учун жазолаганлар.

Эркин Азимовнинг “Амир Темур Салтанити” китобида Сохибқуроннинг коррупцияга қарши кураш жарёнида қўлланган чораларидан бари баён этилган : Оддий дехқонлардан бир гуруҳи мироблар ишидан нарози эдилар. Бу қинғирлик одам ўлдириш каби оғир жиноят билан тенг эди. А.Темур бу оғир жиноятни кўриб чиқар холис кишиларни сайидларни чақириб, айбдорни шу ерни ўзида жазолаб, Зарафшон дарёсига ташлаб юборишга фармон берган. А.Темур коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назоратидан фойдаланиш лозим деб хисоблаган манбаларда такидланишича.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 11 февраль куни коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари буйича йиғилиш ўтказди. Ушбу иллатга қарши курашишдаги яна бир муҳим воситалардан бири бу юртбошимиз айтгандай жамоатчилик назорати ва яқин келажақда жамоатчилик палатаси ташкил қилиниши қуванарли албатта. Бундан келиб чиқадики, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаса қилувчи идоралар ҳамда халқимиз ва жамоатчиликни назорати билан бирга бундай ўта хавфли балога қарши самарали кураш олиб боришимиз шарт ва зарурдир. Шундай экан мамлакатимиз мустақамлиги, халқимиз фаровонлиги, юртнинг ривож ва гуллаб яшнашини, обод бўлишини истаган ҳар бир фуқаро пора олиш ва бериш иллатидан халос бўлиши учун барчамиз бирдек маъсулмиз ҳамда шу иллатга қарши курашишда барчамизнинг ҳаракатимиз асосий куч эканлигини билишимиз шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли қонуни.
3. “Амир Темур Салтанити” китоби.